

“КАДРЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ” ДАСТУРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ БОЗОРИ БИЛАН МЕХНАТ БОЗОРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Жураев Йигитали Давронович

ALFRAGANUS UNIVERSITY “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Эндиликда “Кадрларни мақсадли тайёрлаш” дастури-меҳнат бозорини такомиллаштиришда амалга оширилиб келаётган ишларни кўриб ўтадиган бўлсак маълумки Олий таълим тизимида катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак келажагимиз ҳисобланган ёшларга берилаётган аҳамият ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзларининг келажагини яратиб олишлари аниқланиб борилаётгани ва ўз фаолиятлари давомида ўз малакаларини ошириш билан бирга ўз ишларини аниқлаб олмоқдалар.

Бугунги кунга келиб кадрларни мақсадли тайёрлаш бўйича Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олти босқичли тизим йўлга қўйилган бўлиб, бу тизимда амалга оширилаётган ишларни кузатиб ўтадиган бўлсак шу нарсага гувоҳ бўлишимиз мумкин ва бу босқичлар қай ҳолатда эканлиги ҳақида сўз юритиб ўтамыз.

1-босқич:

Бунда биз талабалар ёрдамида Республика ҳудудларининг ижтимоий иқтисодий, техник ва технологик эҳтиёжларини ўрганиш билан бирга қуйидаги жадвал асосида кўриб ўтамыз. 1-расм¹

¹ Жадваллар муаллиф томонидан маълумотлар асосида яратилди.

Худудлар кесимида йўналишлар бўйича талабалар гуруҳини шакллантириш					
	технологик	техник	Иқтисодий	ижтимоий	
Талабаларга таълим даврига топшириқ		Вилоят (шаҳар) ҳокимликлари тегишли бўлимларига мурожаат		Профессор- ўқитувчиларни жойларга хизмат сафари	
Худуднинг эҳтиёжлар базаси					

Албатта биринчи босқич ишлари якунига етгандан сўнг ўз-ўзидан иккинчи босқичга ўтилиб биринчи босқичда ўрганилган эҳтиёжларни профессор-ўқитувчилар ва талабаларга етказишнинг ахборот таъминоти билан кейинги 2-босқич вазифаларини кўриб чиқамиз.

2-босқич


2-расм

Курс ишлари	БМИ мавузулари банки	Диссертация мавузулари банки	Ахборот портали	Ахборот- ресурс марказида тақдимот	Кўргазмали воситалар мажмуаси
Талабаларни бўлажак иш жойларини аниқлаш					

Иккинчи босқичда жадвалда кўрганимиз каби қилинадиган ишларимиз ўз-ўзидан профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан биргаликда амалга оширилиб уларни кейинги босқичга олиб чиқиш ва учинчи босқичда уларни тўғридан-тўғри танлаган мавзулари бўйича амалиёт билан боғланишлари кўриб ўтамиз.

3-босқич


3-расм



Учинчи босқичдан кўриб ўтганимиздек амалиётларни тегишли йўналишларда ташкил этиш мобайнида уларни бажарилиши ҳудудий ташкилотларда дастлабки муҳокамадан ўтилгандан сўнг кейинги босқичга ўтамиз.

4-босқич


4-расм



Амалиёт даврида битирув малакавий иш ва магистрлик диссертация ишларида кўриб чиқилган ва амалиёт даврида ўрганилган ва оширилган тажриба билан таклифлар ишлаб чиқилгандан кейин тайёрланган таклифларни синовдан ўтказиш мобайнида битирув малакавий иш ва магистрлик диссертация ишларини муҳокамаси ва шу билан бирга ҳимоя мобайнида биринчи босқичдан бешинчи босқичгача қилинган ишларни ҳаммаси кўрсатилиб ўтилади. Шунда энг охириги олтинчи босқичда бажарилган ишлари ҳомоя қилинган битирув малакавий иш ва магистрлик диссертациялари ҳимоясидан сўнг битирувчиларнинг иш жойига аниқ ечимга эга таклиф билан жойлашувини олтинчи босқичдаги жадвал билан кўриб чиқамиз.

6-босқич

6-расм



Касбий компотлик даражасини ривожлантириш



Иш жойида аниқ касбий масалаларни ечимига бўлиш малакаси

Кўриниб турибдики университет ва корхона ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бирдан-бир мақсад сари интилиши иш берувчи ва ходимлар билан биргаликда олиб бориладиган ишларни амалга ошириш учун қулай бир йўл деса бўлади.

Олтита босқични кетма-кетликда бажарилишини назорат қилиш ва уни амалга ошириш қанчалик тўғри эканлигини билсакда ушбу босқичлар мевасини бериши ва келажак сари интилиши яққол намоён бўлади.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз деб билиб бугунги кунда бошқа университетлар билан биргаликда уларда амалга оширилиб келинаётган қурилиш-монтаж ишлари жадал равишда олиб борилаётгани бежиз эмас. Шу даврда Ўзбекистон Миллий университетида Янги инновацион марказнинг яратилиши, сўнгра Физика факультети ва Физика тадқиқотлар институтининг, Биология факультетлари тўлиқ таъмирланиб фойдаланишга топширилгани, Кимё, Иқтисодиёт факультетларининг ремонт қилинаётганлиги ва Фалсафа ва Журналистика факультетлари учун алоҳида янги бино қурилиб битказилмоқда. Албатта бу олий таълимга бўлган эътибор дея билмоқ зарур.